IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341

VOL–2 ISSUE–1
https://wordlyknowledge.uz/

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ[1]

Убайдуллайев Аббосбек

Талаба

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИОТ УНИВЕРСИТЕТИ

Аннотатция:Маълумки, Абдулла Орипов ижоди деярли барча мунаққидларимиз эътиборини тортган. Шунингдек, Абдулла Орипов ижоди хусусида баҳс юритган таниқли мунаққидларнинг мақолаларини ўргандик.

Калит сўзлар; Шоир, Абдулла Орипов, Юрт, Шер, Ижод, Мунаккидлар.

КИРИШ

Ўзбек халқи азалдан шоиртабиат халқ, унинг тупроғидан тортиб япроғигача шоирдир. Шунинг учун ҳам у фарзандларига шеърият каби теран, шеърият каби сермаъно, бир-бирига уйқаш исмлар қўяди. У тўй қилса, шодликларини шеърга солиб “ёр-ёр” айтади. Ҳаттоки азада ҳам ҳасратларини шеърга айлантириб бўзлайди.

Темур тиғи етмаган жойни

Қалам билан олди Алишер[2]

Деб ёзган ўзбек халқининг севимли фарзанди, шоир Абдулла Орипов.Темур каби соҳиби замонлар қиличи етмаган ерларни қалам билан олишга Алишерни қодир қилган қудрат шеъриятдир. Шеъриятни “онажоним” деб улуғлаган ва чиндан ҳам шеъриятга фидойи фарзанд бўлган Абдулла Ориповнинг шеъри кириб келмаган бironта хонадон Ўзбекистонда топилмаса керак.

“Ўзбекистоннинг ўзи шоир бир юрт. Абдулла Орипов ўз шеърларини ана шу “устози”га барҳақ ва барҳаёт илҳом манбаи, “асрларнинг кошонасида мангу ёруғ маскан” бўлган она юрти – Ўзбекистонга бағишлайди”[3].Дарҳақиқат, шоир бу юрт ўзининг шоир ўғлини беҳад севади. Унинг шеърларини ўқийди, ёдлайди. Биз далада колхозчилар тушлик пайти Абдулладан шеър ўқиганларини, бола эмизиб ўтирган аёллар масрур бир хаёл билан тинглаётганини кўрганмиз. Унинг шеърларини тинглаган чоллар, умринг узоқ бўлсин, ўғлим, деб алқаганини эшитганмиз. Олис сафарларга йўл олганда фақат абдулланинг шеърларини ҳамроҳ қилиб олиб кетган шофёрларни, унинг шеърларини қўлидан қўймай юрган курувчиларни кўрганмиз. Баъзан шундай ҳам бўладики, Тошкентга бориб келган кишилардан унинг соғлигини куйиниб сўрайдилар. Бу ҳақда шоирнинг ўзи ҳам ҳақли равишда фахрланиб ёзади:

Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ…

Пахтакорлар ва ишчилар писанд қилдилар,

Зиёлилар, юмушчилар писанд қилдилар,

Студентлар, тўқувчилар писанд қилдилар,

Мактабдаги ўқувчилар писанд қилдилар,

Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ[4]

Халқнинг ўз шоирига бўлган бу муҳаббати Абдулла Орипов ўзи орзу қилганидек “бизники” бўлиб қолганини билдиради:

Кошкийди аҳли юрт туриб тепамда

— У бизники эди- десалар[5]

-деб ёзган шоир ўша олис йиллар ортидаги “Митти юлдуз” тўпламидан бошлаб халқнинг ўзиники бўлиб қолган.

Маълумки, Абдулла Орипов ижоди деярли барча мунаққидларимиз эътиборини тортган. Биз мазкур тадқиқотда шоирнинг “Онажон”, “Митти юлдуз”, “Руҳим”, “Нажот қалъаси”, “Сурат ва сийрат”, “Йиллар армони” каби китоблари билан танишиб, айрим шеърлари устида фикр юритдик. Шунингдек, Абдулла Орипов ижоди хусусида баҳс юритган таниқли мунаққидларнинг мақолаларини ўргандик.

Салоҳиддин Мамажонов, Маҳкам Маҳмудовнинг шеърият ҳақидаги фикрлари, Матёқуб Қўшжоновнинг Абдулла Орипов ижодига бағишланган “Онажоним шеърият” деб номланган рисоласи, Норбой Худойбергановнинг “Эҳтирос тўлқинлари” китобидаги шоир шеърларига мунаққид муносабати, шунингдек, Н. Раҳимжонов каби танқидчилар фикрини ўргандик.Юқорида айтилган манбааларга суяниб, Абдулла Орипов шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан ўз фикрларимизни баён этишга ҳаракат қилдик.

ШОИР –ХАЛҚ ҚАЛБИНИНГ ТАРЖИМОНИ

Шоирнинг халққа, халқнинг эса шоирга бу қадар дилдош ва сирдош қилган шоир фазилатлари, ўзига хос хусусиятлари нимада экан?“Абдулла қайси бир темага қўл урмасин, нима ҳақда шеър ёзмасин, унинг кўзи олдида Улуғ Ватан туради, ўша улуғ Ватаннинг фарзанди сифатида қўлига қалам олади. Шу сабабдан унинг шеърлари доим ҳаётбахш, пафоси баланд, овози дадил, руҳи тетик”[6], деб ёзади Матёқуб Қўшжонов.Абдулла Орипов шеъриятининг ўзига хос томонлари ҳақида сўз юритилар экан, унинг шеърларини халққа манзур қилган хусусиятларидан бири унинг халқчиллигида, халқ тилида ёзилганлигидадир.



Шоир ўз қалбини халқ қалбига таржима қилади, таржима учун эса шубҳасиз сўз керак. Бу сўз эса халқнинг ўз сўзи бўлмоғи лозим. Тўғри, ҳамма шоир ҳам ўз она тилида шеър ёзади. Лекин айрим йўналишдаги шоирлар борки, ўзбек тилида ўзбекча бўлмаган шеърлар ёзадилар. Уларнинг шеърини оддий халқ тушунмайди. Уларнинг лирик қаҳрамони бутун дунёга, XX асрга қарата фалсафа сўқийди. Бундай “муаллақ гаплардан” тўйган шоирнинг ўзи ҳам шундай ёзади: Иқбол деб беҳуда чекасан ёҳу, Оҳинг бу – фолбиннинг дарақларидир. Асрим, асрим дейсан асринг нима у?! У — тўзғоқ календарь варақларидир[7]. Шоир бу шеърида ҳавойи гаплардан кўра Матжонни излаб юрса ҳеч ажаб эмас.





Абдулла Орипов ёшлар билан бўлган бир суҳбатда шундай дейди: “Ўзбек тилида эшакни эшак дейилади, лекин баъзи шоирлар эшакни эшак дейишдан ор қилади”[9]. Ҳа, шоир халқ сўзи билан халқ қалбини куйлайди, куйлаганда дилрабо оҳанг билан, ёниб, ўртаниб куйлайди. Кулма, кулма, нега куласан, Хижолат чекканнинг ҳолига. Нега қўл узатдинг бир камбағалнинг Ўғрилардан қолган молига[10]. “Ўғрилардан қолган мол” – халқ тилидаги оддий ибора, лекин шоир тилига кўчганда бу ибора инсон қалбининг тафаккур ривожланиб боргани сайин камёбланиб бораётган эзгу туйғулари эканлигини шундай таъсирча ифодалайдики, энг бесавод одамнинг ҳам қалби титрайди. Колумбда бор аламим маним, Ўзбекистон Ватаним маним[11]. ёнгинангда турган инсоннинг орзуларига ошно, дардларига ҳамдард бўлишга чақиради. Юқорида келтирилган шеърдаги қуйидаги мисралар буни яққол тасдиқлайди: Инсон деб фалакка ҳайқирмоқ нега, Инсон ёнингдаку, у менинг қўшним[8]. Ахир, пахтакор-пахтакор” деб сийқа ном билан сийланган колхозчининг, ишчининг, механизаторнинг ҳам қалби бор, уларга ҳам маънавий ризқу рўз – шеърият керак. Халққа тушунарсиз, ўта донишмандлик даъвосида, турли хил экспериментлар шаклида ёзилаётган шеърлар тўлиб-тошиб ётар экан, кўпчилик ҳамиша Абдулла Орипов шеърларини соғиниб, Эркин Воҳидовга кўз тутиб, Омон

Шоир куйлаган бу “алам” – халқнинг буюк армони, дарди, ғурури эканлигини халқ қалбига таржима қилган. Бу мисраларни ўқиган ҳар бир шеърхон бу “Алам”ни ўз қалбига туяди. Таажжубки, бу “алам”дан кўкси тоғдек кўтарилади. Абдулла Орипов шеъриятининг ўзига хослиги шундаки, у беҳад ўзига хос шоир. У севса, ёниб, ўртаниб севади, агар нафратланса, севгиси даражасидаги кучли дард, армон билан нафратланади. Унда ҳеч қачон оралиқ ҳолат бўлмайди. Мен шоирман, истасангиз шу, Ўзимники эрур шу созим. Бировлардан олмадим туйғу, Ўзгага ҳам бермам овозим[12]. Бу – ўзлигини англаган ўзбекнинг ўктам овози. Айни пайтда “мижғов ва паст” гаплардан зада бўлган шоир қалбининг нидоси.



“Созим” шеъри шоирнинг энг ёниқ, фикрчан ва курашчан шеърияти намунаси. Лекин танқидчи Норбой Худойберганов мазкур шеърни “Бироз умумийроқ шеър бўлиб, унда конкрет мазмун чуқур ёритилмаган. Борди-ю зикр этилмоқчи бўлган фикр жонли, ҳаётий ва ҳаққоний лирик қаҳрамон характерига сингдирилиб, едирилиб юборилганда эди, шеърнинг таъсир кучи янада ортарди”[13]- деб маслаҳат беради. Ахир, бу шеърда лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи-ку, ахир у “жонли, ҳаётий ва ҳаққоний” эмасми? Бу шеърнинг ўзи бутунлигича танқидчи эътирозларига раддиядир. Н. Худойберганов Абдулла Ориповнинг садоқат гимнига айланиб кетган «Аёл» шеърига ҳам нотўғри муносабат билдирган. “Бахт ва муҳаббат йўлида” номли мақоласида “Фидойилик, ўлган одам учун бахтни қурбон қилиш ғ бу, аскетизм ва фатализмнинг кўринишларидан биридир. Бундай ҳолат ҳар қандай шароитда ҳам кишини тушкунликка, таркидунёчиликка олиб боради”[14] – деб ёзади ва фикрини давом эттириб, Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеърини мисол кел[15]тиради. “Абдулла Орипов ўзининг “Аёл” шеърида бева қолган аёлларни улуғлаб, ўзларини “Минг битта бозордан олиб, минг битта бозорга соладиган” бузуқ хотин қизларга қарата: Шу содиқ бевага саждалар қилинг, Шу содиқ бевага айланг эҳтиром, – дейди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Аввало шуки, енгил табиатлихотинлар беваларга сиғинмайди, уларга бош эгмайди. Негаки, улар беваликни таркидунёчилик билан баравар деб тушунишади. Бинобарин, ҳалигидай енгил табиатли аёлларга нисбатан бева қолган хотинларни эмас, балк кўз ўнгида турмуш кечираётган садоқатли эр-хотинларни намуна қилиб кўрсатилса яхши бўларди”. Танқидчи: “Аза умрбод давом этиши мумкин эмас, наҳотки, ёридан ажраганларнинг ҳаммаси бир умрга тарки дунё қилиши керак бўлса?” – дея ажабланиб, “Аёл” шеъридаги сингари аёлларни эса истисно ҳолатларга йўяди. Юқорида келтирилган мунаққид фикрларига бизнинг эътирозларимиз бор. Биринчидан, фидойилик ҳеч қачон таркидунёчиликка олиб бормайди. Агар ёридан ажралганларнинг ҳаммаси бир умрга ёрига содиқ қолмоқ учун бева ўтсалар ҳам, дунё бундан ҳеч қандай зиён кўрмасди, балки бевафо, бетутруқлар жабридан руҳи мажруҳ, қалби хаста бўлаётганлар, “садоқат сатридан нолиб, надомат комида қолган” аёллар айби билан дунёга келиб, тирик етим бўлаётган болалар камаяр эди, қўйинг-чи, дунёмиз маънавий жиҳатдан покланар

эди.Иккинчидан эса, танноз аёллар бевараларга сажда қилмас экан, ўша намунали эр-хотинлардан ҳам ўрнак олмайди. Агар шоир шеърини мунаққид айтгандек ёзса, у ҳолда “Аёл” шери аёлга қасида эмас, аёлга насиҳат бўлиб қоларди. Умуман, садоқатли эр-хотинларни намуна қилиб кўрсатиш шоирнинг иши эмас, балки маҳалла комитетларининг иши эмасми? Мунаққид Абдулла Ориповнинг “Ўйларим”, “Баҳор”, “Альбомга”, “Темир одам”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” каби шеърларини бунисида ундоқ демоқчи, бунисида бундоқ демоқчи деб, ҳадеб уқтираверади. Агар танқидчининг вазифаси ўқувчига шеърнинг мазмунини тушунтириб бериш эмас-ку! Айниқса, Абдулла Орипов каби шоирнинг шеърлари ҳамма учун бирдек тушунарли эмасми! Бизнингча, мунаққид шоирнинг саънатини, шеърнинг таъсир доирасини инсон руҳининг қайси билгисиз нуқталарига дахлдорлигини шеъхонга етказиши керак.



Н. Худойберганов Абдулла Орипов шеърларининг “айрим нуқсонлари” ҳақида бош қотириб, шундай дейди: “Абдулла Ориповнинг айрим шеърларида мантиқий изчиллик етишмайди, фикрни яланғоч ифодалаш устун туради, поэтик манзаралар яратиш ўрнига насиҳатбозликка берилиш ҳолатлари учрайди”[16]- дейди.

Агар шоир шеърларида поэтик манзаралар бўлмаса, бирон бир шеърида насиҳатбозликка берилган бўлса, шеърхон Абдуллани бу қадар севмас эди.

РАНГИН ТУЙҒУЛАР МУСАВВИРИ

Поэтик манзаралар яратиш, табиат манзараларини инсон туйғуларига йўғириб тасвирлаш Абдулла Орипов шеъриятининг яна бир ўзига хос, такрорланмас қирраларидан ҳисобланади. У шу қадар ажойиб, бетакрор манзаралар яратадики, уста рассомлардан ҳам ўткариб юборади. Аслида шеърият- бу, рангин оламнинг инсон туйғуларига, инсон кечинмаларига йўғрилган тасвиридир. Маълумки, ҳамма воқеа-ҳодисалар замон ва маконда содир бўлади. Ҳатоки, инсон қалбида кечган энг майда туйғулар ҳам.



Кимнингдир кўксига энгашганча гул

Мармар сағанадан ўқиб турар байт[17].

Мазкур мисраларда бир томонда мангу йўқликка кетган инсоннинг мангу макони, иккинчи томонда эса унинг кўксига энгашиб, тириклик қўшиғини куйлаб турган гул тасвири чизилган

Йўқ, шоирлар алдайди бизни,

Баҳор фақат уч ойдир холос[18].

Шоирнинг бу ҳаққоний мисраларидан шеърхон қалбида мангу баҳорлар бошланса ажаб эмас.

Айтгим келди онам, ёнингга,

Юрагимда исмсиз дардлар.

Совуқ хонам, соат “чиқ-чиқ”и,

Ташқарида ҳазонрез боғлар[19].

Агар “совуқ хона”, “соат чиқ-чиқи”, “хазонрез боғлар” тасвири бўлмаса, биз ҳам ўша “исмсиз дард”нинг исмини билолмай қолардик.

Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол

Маъюс эгилади терак учлари.

Барглар соясида ўйнайди беҳол

Уйқудаги қизнинг бедор тушлари[20].

Эгилган терак учларининг маъюслиги, уйқудаги қизнинг бедор тушлари барглар соясида ўйнашининг сурати… Нақадар гўзал тасвир. Бу мисраларни мунаққид эмас, балки бастакоргина (у ҳам шоир даражасидаги соҳир қалб соҳиби бўлсагина) шарҳлаши мумкин.Фикримизча, “ўзбек онаномаси”да Миртемирдан сўнг ҳеч ким Абдулла Ориповчалик “кўп ва ҳўп” ёзмаган. Абдулла яратган она образи мунису мушфиқ, ўзи айтган аллалар оҳангидек инсон қалбини эзгуликка чорловчи онадир.

У кун четда оҳ чекардим

Ғуссаларнинг дастидан.

Сен отамга пул берибсан

Ёстиғингнинг остидан[21].

Ҳаётининг сўнгги дақиқаларини кечираётган онанинг бу чексиз армонли саховатидан жону жаҳона ўртанган фарзанднинг миннатдор изтиробини

қуйидаги сатрлардан ҳам самимийроқ ифодалаш мумкинми?!

Балки сенинг қабринг узра

Кўкарганда гулчечак,

Отонамга қадам қўяр

Сен истаган келинчак[22].

Абдулла Орипов ўз онасининг мунис сиймосини, эзгу хотирасини улуғлар экан, у она-жаҳонга Алишерларни берган барча яхшиликлар бешигини тебратган жамики онаизорлар образини яратади.

ШОИР ЯНГИЛАГАН КЎҲНА МУҲАББАТ

Адабиётимизда Абдулла Ориповнинг “Митти юлдуз”и порлагунча муҳаббат мавзуси эски оҳангларда, сийқа образу ташбеҳларда куйланар эди. Бировлар ёрнинг қошу кўзини мақтаб овора бўлсалар, баъзилар бевафо ёрга таъна тошларини отиб чарчамас эдилар.

Абдулла Орипов шеъриятидаги ошиқ образи эса армонли муҳаббатга дучор бўлиб, бир умр “ҳаёт барча неъматларини аямаса-да, муҳаббат тақдиридан мақтанолмай” ўтишга маҳкумдир. Лекин у муниса қизга ҳеч қачон таъна тошларини отмайди, бевафоликда айбламайди, балки –

Нега бир тош бўлмагансан, сени авайлаб,

Тил остимга солиб юрсам жонимга жойлаб[23] —

Дея армон қилади.

Жўнар бўлдим мен бундан дилтанг,

Йўлларимга қараб қолдинг сен.

Сочгинангни тараб қолдинг сен.


О, биламан, баджаҳл отанг

Остонангга йўлтмас сени[24].

Шоирга “узалган қўллари” билагузук билан боғланган қизнинг мунис ва маъюс сурати кўз ўнгимизда муҳрланиб қолади. “Билагузук билан боғланган” қўллар тасвирида ҳам, шоирнинг “Билагузук бандинг узилсин, ёр қўлини қисгандан кўра!” – дея қилган нидосида ҳам қандайлир ёруғлик, қандайдир тозалик, қандайдир ажиб шоироналик бор.“Гейнени ёндирган юлдуз”, “Алишернинг Гулиси” даражасида севилган қиз – Абдулланинг шеърларига муаттар бўй таратиб турган гулга ўхшайди.

ШОИР ОЛАМ БИЛАН “ЮЗМА-ЮЗ”

Абдулла Орипов ижтимоий мазмунда давримизнинг катта гапларини ажиб мисраларда айта олган шоирдир. Унинг “Юзма-юз”, “Темир одам”, “Уйқу”, “Денгизга” каби шеърларида давримизнинг долзарб масалалари кўтарилган.Бу шеърлар хусусида жуда кўп мунозаралар бўлиб ўтган. Катта мунаққидлар бу шеърларни ҳар томонлама шарҳлаб, юксак баҳо беришган.



Биз бу ўринда бир нарсанигина айтиб ўтмоқчимиз. Норбой Худойберганов “Юзма-юз” шеърига “Юзма-юз” деб ном берилиши ўзини оқламайдиган таассурот қолдиради. Нега юзма-юз, ким билан юзма-юз? Бу муаммолигича қолиб кетган”[25], -дейди. Бизнингча, шоир сиз билан юзма-юз, шеърхон билан юзма-юз, қўйинг-чи бутун олам билан юзма-юз! Бу оламнинг барча дардлари, орзу ва армонлари шоир қалбида акс-садо беради. Шунинг учун ҳам шоир ўзининг “Сўнгги уруш” шеърида ёзади:

Бир қадам қўйсанг бас- нарёғи ўлим,

Бир қадам қўйсанг бас – шаксиз ҳалокат.

Одамзот бошида турибди бу зум

Қазойи муаллақ, мудҳиш ҳалокат[26].

Инсоният ўз қўли билан яратган бу “мудҳиш фалокат”ни , “қазойи муаллақ”ни шоир янада аниқ ва равшан тасвирлар билан кўз олдимизга олиб келади.

Бу бари – асримиз кашф этган бало,

Бу – ёвуз сармоя, ҳамиша басир.

Бошимиз устида турибди гўё

Бир соч толасига боғланган шамшир[27].

Шоирнинг безовта қалбидан ситиб чиққан бу мисралар инсониятни ҳамиша қалби, имони, виждони билан уйғоқ бўлишга чорлайди.

Абдулла Ориповнинг “Йиллар армони” деб номланган навбатдаги китобига киритилган янги шеърларининг кўпчилигида инсон қалбининг ашаддий кушандалари бўлган ҳасадгўйлар, ғийбатчилар, фитна-фасодчилар, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва разолат ҳақидаги қарашлари янада кескин руҳ билан ифодаланади. Абдулла Орипов бир шеърида шундай ёзади:

Сиздан нима кетди, эй дўсти азиз,

Соғинманг менга ҳам бир зум ёмонлик.

Мендан нима кетди, Сизга ҳам чексиз

Саодат тилайин, тилай омонлик[28].

Чиндан ҳам, кошки эди, шоир айтгандек, одамзот ҳеч қачон бир-бирига ёмонлик соғинмаса, қани энди, ҳамма ҳамиша бир-бирига саодат ва омонлик тилайверса. Шоирнинг бу эзгу орзулари сизнинг қалбингизга ҳам “мендан нима кетди, яхшилик қилсам2 қабилидаги мардона туйғуларни уйғотади.Абдулла Ориповнинг Эркин воҳидовга бағишланган “Арслон чорлаганда…” деб номланган шеърида бу икки замондош шоирнинг улуғ мақсадларини арслонга ўхшатади. Буюк қалб соҳиблари бўлмиш бу шоирларнинг эзгу мақсадлар шоҳи – арслон қошига чорлаганди. Ва бу улуғ мақсадларга эришиш учун уларда матонат ҳам, бардош ҳам бор эди. Лекин уларга йўлда қумурсқалар – разил ва худбин инсонлар ҳамрох бўлдилар.Жамики тирикликка таниш бўлган бу хатар фақат ёппа таламоққагина яратилган. Ахир инсон ана шундай қумурсқалар билан олишиб улуғ мақсадларига эришолмай қолиши мумкин-ку.

Бу шеър тирикликнинг хатарли ҳамроҳи бўлган қумурсқанусхаларга аёвсиз айбномадир. Мана, ўша шеър:

Биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни,

Бизда ҳам бор эди матонат, бардош.

Арслон чорлаганди қошига бизни

Лекин қумурсқалар бўлди сафардош.

Жами тирикликка таниш бу хатар,

Қумурсқа яралган ёппа таларга.

Дўстим, алам қилар, арслон бехабар

Ем бўлиб кетсак бу қумурсқаларга[29].

Шоирнинг мазкур тўпламдаги кўпгина янги шеърларида инсон қалбини ич-ичидан емирувчи, аслида эса майда ташвишлар ҳисобланган иллатлар хусусида сўз кетади.

Юқорида биз кўриб ўтган “Арслон чорлаганди…” шеъри билан ёнма-ён “Сен узоқ яшайсан…” деб бошланувчи шеър ҳам бор. Бу шеърда инсон умрини эговловчи омиллардан бири инсон руҳиятига озор берувчи, унинг қалбини мажруҳ қилувчи “беомон ҳислар” эканлигини куйиниб айтади. Бу шеърни шоир шундай якунлайди:

Юз йил яшаб ўтар дунёдан биров,

Фурсат манглайига сололмас излар.

Йўқ, йўқ йиллар эмас уларга эгов

Уни емиради беомон ҳислар[30].

Шоиргаки, шунчалар руҳий азоб берувчи зотлар бор экан, улардан инсониятга ҳали-ҳамон осойиш йўқдир. Ахир, алишерни сарсону саргардон қилган, Пушкинга ўқ узиб, машрабни дорга остирганлар ҳам ўшалар эмасми?!

Абдулла Ориповнинг фикран баркамол, бадиий тафаккурнинг етук намунаси бўлган шеърларидан бири “Оломонга” шеъридир. Бу шеър шу қадар мантиқан яхлитки, бирор бандини ажратиб олиб таҳлил қилиш мумкин эмас. Шунинг учун бу шеърни тўлалигича келтирамиз.

Машраб осилганда қаёқда эдинг?

Лорка отилганда қаёқда эдинг?

Суриштирганмидинг Қодирийни ё

Қалқон бўлганмидинг келганда бало?

Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан,

Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.

Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?

Нечун тамошога мунчалар ўчсан?

Қаршингда ҳасратли ўйга толаман:

Қачон халқ бўласан, эй, сен-оломон?![31].

Ахир биз ҳам ҳар қадамда ана шундай оломонни учратмаяпмизми?

Автобусларда жой бўшатиш малол келиб, ногирон чоллар билан жанжаллашаётган баъзи беюзларни кўриб, индамай ялпайиб ўтирган кимсаларни, бировнинг чўнтагини кесиб кетаётганларни кўриб кўрмасликка олаётган кишиларни, бировни ноҳақ маломат қилиб, инфарктга йўлиқтирган “оломон”ни биз кўрмаяпмизми? Баъзи ҳолларда ўзимиз истаб-истамай ана шу “оломон”га қўшилиб қолмаяпмизми?

Шоир гўё ўзининг оташин мисралари билан виждони уйғоқ кишиларни оломон орасидан тортиб чиқармоқчи. Бироқ шоир разиллар разолатига қанча кўп дучор бўлмасин, бедиллар ситамидан қанча кўп озор чекмасин, инсон қалбининг эзгулигига ва бу эзгуликнинг мангулигига қаттиқ ишонади. Шунинг учун ҳам у ёзади:

Шоир қалбига шунчалар озор берган дард нима? Бу саволга жавобни ҳам шоирнинг ўз шеърларидан ахтармоқ керак.Абдулла Орипов “Қонуният” номли шеърида айтган аламли ҳақиқат қалбларни ларзага солади. Дунёда жамики мавжудотнинг ўз яшаш тарзи бор. Мушук сичқоннинг кушандаси, тулки эса қуён ёки товуқ еб тирикчилик қилади. Фақат одамзотгина бир-бирининг кушандаси эканлиги шоир қалбини ўртайди:

Оҳ, фақат одамзот – фарзанди башар,

Бир-бирин махв этиш қасдида яшар[34].

Мана, шоир қалбини беором, юрагини доғ қилган дард! Бу дард бутун башариятнинг дардидир. Шоир ана шу оламшумул дардга даво излайди. Чунки шоир олам дардини ҳаммадан ҳам кўпроқ, ҳаммадан ҳам теранроқ туйади. Шунинг учун ҳам у ҳамиша ёниб, ўртаниб куйлайди.

Абдулла Ориповнинг “Юртим шамоли” шеъри менинг назаримда ҳам зукко рассом мўйқалами билан чизилган тенгсиз суратга, ҳам соҳир қалбди бастакор яратган куйга ўхшайди. Шоир ватан шамолининг зангори суратини чизар экан, аввал баҳор елларининг атлас кўйлаклар этагини тарагандаги майин саслари эшитилгандай бўлади. Сўнг эса гоҳ шодлик, гоҳ қайғу нафасини олиб келган долғали шамоллар овозини тинглаймиз.Шоирнинг мақсади фақатгина Ватан шамолининг суратини чизиш эмас, у оламдаги “қанча бўстонларни совурган” давронлар бўронидан сўйлаб, “қайғулардан ҳолий” юрти шамолини куйламоқдир.Яшил боғлар қучоғида сайраган турфа қушлар орасида булбул овози ягона бўлганидек, шоир Абдулланинг овози ҳам танҳодир.



МЕҲРГА МУҲТОЖ ҚАЛБЛАР КУЙЧИСИ

Абдулла Орипов шеърларининг энг катта мавзуларидан бири, Маёқуб Қўшжонов ёзганидек, “катта ҳарф билан ёзилиши керак бўлган инсоний меҳрдир”[38].Шоирнинг “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси” номли шеърида ана шу меҳрнинг тирик ҳайкали фаррош кампир образини яратади. Бешта қитъадан танлаб олинган, оламдаги барча илмларни ўзида мужассам этган олимлар ечолмаган жумбоқни фаррош кампир бир зумда ҳал қилади-қўяди. Кампир самовий меҳмонга сомон йўлини ҳам, альфа-ю беталарни ҳам кўрсатиб ўтирмайди. Балки ўзининг оналик қалбидаги самимий меҳрини изҳор этади. У самовий меҳмоннинг “сап-сариқ ранги зардини” кўриб, шундай дейди:

Вой бечора болагина,

Дард заптига олибди-ку.

Ҳолдан тойиб, бошқа кўзи

Юмилиб ҳам қопти-ку.

Шундай қилиб фаррош кампир “рангини кўр сомон дейсан, сувданмикан ё ўтдан” дея гиргиттон бўлади. Унинг тиканакдай тикка ўсган сочгинасини силаб” унга ичгани сув ҳам тутади. Шу пайт мўъжиза рўй беради. Кампирнинг меҳрибонлигидан самовий меҳмоннинг “биттагина кўзига дувва-дувва ёш” келади. Бу шеър ўзининг афсонавий образлари билан, эҳтимол, минглаб йиллар инсониятга меҳрдан сабоқ берар.Ахир, меҳр замингагина эмас, инсонгагина эмас, балки самога ҳам зарурдир.Агар ҳозирги кунимизда инсоният самога меҳрини эмас, қаҳрини армуғон этаётгани,империалистик доиралар космосдан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилаётганини ҳисобга олсак, шоирнинг мазкур шеъри нақадар улкан ижтимоий характерга касб этишини янада яққолроқ ҳис этамиз.Афсуски, тараққиёт беҳад ва бениҳоят тез бўлган бизнинг асримизда ўша “катта ҳарф билан ёзилиши керак

бўлган меҳр”нинг бозори тобора касод бўлиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бу ҳол биринчи навбатда шоир қалбини безовта қилиши ҳам шубҳасиздир.

Шоирнинг кейинги пайтларда ёзган шеърларида меҳрга ташналик ҳисси янада ўтлироқ, янада жозибалироқ куйланади. Унинг “Қирқ ёш” номли шеърида меҳр ҳақидаги, меҳрга ташналик ҳақидаги қуйидаги мисраларни ўқиган шеърхон қалби ларзага тушади:

Ким алам чекмабди умрида бир бор,

У мени англамас, англамас зинҳор.

Ким ҳаққа ташнадир, ким меҳрга зор,

Мен унга умримни этгумдир фидо[39].

Меҳр сўзи қадимда қуёш маъносини билдирар экан. Меҳрга муҳтож қалбларнинг мумтоз куйчиси бўлган Абдулла Орипов оламда меҳру муҳаббатнинг қуёш нурлари каби сероб бўлишини тилайди.

ТРАДИЦИЯДАН – НОВАТОРЛИККА

Абдулла Орипов ижодида ўзбек шеъриятидаги энг эзгу традициялар изчил равишда давом эттирилган. Шоир ўз шеърларида Алишер навоий куйлаган инсонпарварлик, эзгуллик, яхшилик, разолатга аёвсиз нафрат, инсоний севги ва муҳаббат ғояларини ўзига хос оташин мисраларда талқин этади, ўша ғояларни меҳру муҳаббат билан давом эттиради. У Ғафур Ғулом ва Ҳамид олимжон каби шоирлар ижодидаги ватанпарварлик мотивларини янада жарангдор пардаларда куйлайди.

Алишер Навоий:

Одамий эрсанг демагил одами

Онингким йўқ халқ ғамидин ғами –

дея халқ ғамини емаган инсонлар одам эмаслигини айтса, Абдулла Орипов ундайларни “темир одам” дейди:

Устоз, қалби йўқдир унинг ҳам, ҳайҳот,

На нафрат, на ишқни танламас у ҳам,

Унинг ҳам кўзида чақнамас ҳаёт,

Мунис боқишларни англамас у ҳам[40].

Классик шоирлар ижодида олам гўзалликлари инсон чеҳрасига нисбат берилиб куйланган. Биз Алишер навоий, лутфий, Фузулий каби улуғ шоирларнинг ҳар бир мисрасида гуллар, чечаклар, япроқлар, майин шаббодалар, қуёшнинг ипак шуълалари… қўйинг-чи, бу нурли оламнинг барча гўзалликлари ёрнинг гўзаллигига нисбат берилиб, бу ёруғ дунёга ва оламнинг гултожи бўлмиш инсонга муҳаббат ифода этилган.Абдулла Ориповнинг ҳам ҳар бир мисрасида ўша гулу чечаклар, кузнинг заъфар япроқларидан тортиб, ёмғирларнинг маъюс шивирлашларигача тасвирланган. Лекин бу тасвирлар инсон қалбининг турли манзараларини, инсон руҳиятининг рангин суратларини акслантириш учун хизмат қилади.

Дўстим, тингла…япроқчаларнинг

Шивирлаши эшитилмоқда…

…Юрагим ҳам дарахтзор каби

Ниманидир олқишламоқда[41].

Шоирнинг юқоридаги каби мисраларида инсон руҳиятидаги туғёнли лаҳзалар суратини табиат манзаралари суратиорқали тасвирлайди.



Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби шоирлар ижодида Ватан мадҳи тантанавор оҳангларда жарангласа, Абдулла Орипов Ватанни эзгу бир дард билан севади. Уни Улуғбекнинг бошини кесган, Бобурнинг сарсону саргардон қилган, Чингизхонлар зулмидан қон-қақшаган, лекин бош эгмаган халқни оппоқ армон билан шарафлайди. Абдулла Орипов доно халқимиз яратган мақол ва маталлардан, иборалардан жуда оқилона ва санъаткорлик билан фойдаланадики, натижада шоир тилга олган мақоллар қайта бошдан шеърий умрини бошлайди. Айниқса, шоир ўз тўртликларида халқ мақолларидан самарали фойдаланган. Унинг “Мен англаб етган фалсафа”, “Тингла, бу абадий садо бўлади”,, “Дейдилар, ит ҳурар ўтади карвон”, “Булбул ўгай эрур зоғлар орасида каби тўртликларида халқ мақолларидан заргарона фойдаланилган”. Шоир бу мақолларни шунчаки ўз фикрини исботлаш учунгина келтирмай, балки бу мақолларни янги қирралар билан, ўзгача жилолар билан бойитгани унинг новаторлигидир.

Бозорга ўхшайди асли бу дунё,

Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.

Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло

Молим ёмон деган бирор кимсани[42].

Шоир бу тўртлигига “Мен англаб етган фалсафа” деб сарлавҳа қўйибди. Ҳа, шоир англаб етган фалсафа бу тириклик бозорининг мангу ҳақиқат бўлган фалсафасидир.

ШОИР БАДИИЯТИ ҲАҚҚОНИЙЛИКДИР

Абдулла Орипов шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирар эканмиз, унинг яна бир хисслати ҳақида тўхталиб ўтмоғимиз жоиздир. Бу хислат шоир шеърларидаги бадииятдир.

“Лирик поэзияни фақат музика билан солиштириш мумкин,” — деган эди В.Г. Белинский. Яна у сўз маъноси йўқолиб, ҳис ва мусиқий садога айланиши ҳақида ҳам ажойиб фикр айтган[43]. Поэзияни “ҳис ва мусиқий садога” айлантирувчи омил, бу- шеърнинг бадииятидир.

Бадиият – бу, гўзалликдир, туйғуларга йўғрилган шеърий тафаккур гўзаллигидир. “Гўзалликнинг ўзи муҳим ғоя. Бу гўзалликни бўлиб-бўлиб таҳлил этиш дарёдаги эркин балиқни тутиб, пичоқда кесиб, аъзоларини текшириб, яна сувга қўйиб юбориш билан тенг. Балиқ фақат сувда яйрагандагина одамнинг ҳавасини келтиради. Тўғри, сувдаги балиқни тамошо қилишдан кўра уни ейишни афзал кўрадиган одамлар ҳам оз эмас. Бундай ҳиссиз одамлар фақат санъат гўзаллигини эмас, ҳаёт

гўзаллигини ҳам кўрмайдилар. Тўғриси, кун кечирадилар”[44], — деб ёзади таниқли мунаққид Маҳкам Маҳмудов.

Бадиият, Маҳкам Маҳмудов иборалари билан айтганда, “инсон қалбидаги манзараларнинг чексиз бўёғини ҳис этмоқдир”. Шоир сўздан туйғу яратади, туйғулар орқали, туйғулар бўёғи билан эса инсон қалбининг манзараларини чизиб беради. Маҳкам Маҳмудов ёзади: “Сўзнинг буюк қудратини заррача инкор этмаганимиз ҳолда, шуни айтишимиз керакки, туйғу агар дарё бўлса, сўз унинг қирғоғи, туйғу агар париваш қиз бўлса, сўз унинг сурати, туйғу агар гулзор бўлса, сўз- рассомнинг бўёғи. Ёнғоқдан мурод унинг мағзи, қиғоқдан мурод унинг суви. Суратдан мурод унинг соҳибаси, бўёқлардан мурод гулзорнинг ўзи”[45].



Мунаққид фикрларидан англашиладики, шеъриятнинг ҳам асл муроди инсон туйғуларига таъсир этмоқдир. Лекин шеъриятда бадиийлик бўлсагина инсон туйғуларига таъсир этади. Ёлғир фикрнинг ўзи инсон қалбига, унинг туйғуларига таъсир этмайди. Шеърият эса туйғуларга таъсир эта олиш қудрати билан бошқа санъатлардан фарқ этади.Филология фанлари кандидати, доцент Муҳаммаджон Мадғозиев “Бадиийлик нима, менга тушунтириб берсангиз”, — деб хат ёзган ҳаваскорларга шундай жавоб ёзибдилар: “ Сўраб кўринг-чи, асалари асал йиғишни кимдан ўрганган экан, гуллар ранго ранг очилишни ва муаттар бўй сочиш ҳақида кимдан маслаҳат олган экан? Бадиийлик ҳам худди шунинг каби ҳаётийлик ва ҳаққонийликдадир”[46].

Абдулла Орипов шеъриятининг қудрати ҳам унинг юксак даражадаги бадиийлигидадир. Лекин унинг шеърларида сунъий бадиийлик, зўрма-зўраки ўхшатишлар, мантиққа зид бўлган жонлантиришлар орқали бадиият яратилмайди. Унинг ҳар бир ибораси, ҳар бир ташбеҳи айни ҳақиқатдир. Мана, унинг “Баҳор” шеърида шундай мисралар бор:

Қайдадир шоира куйлайди беҳол,

Менинг ҳам ой каби кўнглим яримта[47].

“Яримта кўнгил” ва “ярим ой” –нақадар ҳаққоний ва гўзал ташбеҳ. Агар яримта

кўнгилга ярим ой ўхшатилмаганида, шунчаки фикрнинг ўзи, яъни дарак гап бўлиб қолар эди. “Яримта ой” бу – ҳаққоний бадиият ва шоир шеърига мангулик бағишлаган омилдир.







Шоирнинг кўпдан маълум ва машҳур шеърларидан бири “Най” шеъридир. Ундаги бадиийлик ҳаётнинг, ҳақиқатнинг ўзидир. Қамишнинг “адирларда дуркун яшагани” ҳам, одамлар унинг танасини пичоқ билан кесиб олганлари ҳам, кўзи ва бағрини ўйиб олганлари-ю, бу ҳам етмагандек, бўғзига лабларини қўйиб пуфлаганлари ҳам ҳақиқатдир. Аламига чидай олмай шўрликнинг нола чекиб юборгани, одамлар эса қамишни йиғлатиб қўйиб, роҳат қилганлари ҳам рост.

Бу ташқи кўринишдаги ҳақиқатдан ташқари мажозий ҳақиқат ҳам бор. Бу ҳам бўлса, инсон юрак-бағри аламлардан ситилиб, чок-чок бўлганидан қамишдан най ясаб, ўз дардларини куйлашга эҳтиёж сезганидир. Ҳаққоний ва ҳаётий бадииятнинг қудрати ана шундадир. Абдулла Орипов шеъриятининг қалбларга яқин ва барчага севимли қилган хусусиятларидан бири ана шундадир.

ХУЛОСА

Абдулла Орипов шеърияти, халқ ва адабиётшунослик бир овоздан эътироф этганидек, ўзбек поэзиясида муҳим ўринга, катта салмоққа эга бўлган шеъриятдир.

Унинг шеъриятидаги халқ қалбига яқинлик, халқ дилидаги қувонч ва шодлик, армон ва дардларни топиб сўйлаш, инсоннинг рангин туйғуларини рассомона кўз билан илғаб, мусиқий мисраларда ифодалаш, унинг шеъриятидаги бадиий ҳаққоният уйғунлиги – шоир шеърларининг такрорланмас, ўзига хос хусусиятларидандир.



Абдулла Ориповдек шоирнинг қалби она замин янглиғ саховатлидир. Замин бағрида турфа хил гуллар очилади, тиканлар ўсади. Шу каби шоирнингқалби ҳам ўз туйғуларидан турфа хил гуллар – шеърият гулларини армуғон этади.

Чиндан ҳам Абдулла Ориповнинг шеърлари моҳият эътибори билан воқе бўлган шеърлардир. Биз учун, “шоир бир юрт” бўлган Ўзбекистон учун шоир ҳам, унинг шеърлари ҳам ҳамиша азиз ва ардоқлидир.

БИБЛИОГРАФИЯ

Абдулла Орипов. Юзма-юз. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1978.

Абдулла Орипов. Йиллар армони. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1984.

Абдулла Орипов. Нажот қалъаси. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1980.

Абдулла орипов. Сурат ва сийрат. — “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент, 1981.

Абдулла Орипов. Митти юлдуз. — Тошкент, 1965.

Абдулла Орипов. Сурат ва сийрат. — “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент, 1981.

Абдулла Орипов. Кўзларим йўлингда. — Тошкент, 1966.

Абдулла Орипов. Онажон. — Тошкент, 1969.

Абдулла Орипов. Руҳим. — Тошкент, 1971.

Абдулла Орипов. Ҳайрат. — Тошкент, 1974.

Белинский В.Г. Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши. — Тошкент, 1975.

Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. — “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1979.

Матёқуб Қўшжонов. Онажоним шеърият. — “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1984.

Маҳкам маҳмудов. Абадият лаҳзалари. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1981.

М. М.Мадғозиев. Нозим ва нозималарга хат – “Коммуна” газетаси, 1976 йил 27 январь.

М. Мадғозиев. Китобхон кундалиги. Қўзёзма.

С. Мамажонов. Сайланма. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1981.

Н. Худойберганов. Эҳтирос тўлқинлари. — Ғафур ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашрияти. Тошкент, 1970.

Норбой Худойберганов. Чўққилар чорлайди. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1978.

Иброҳим Ғафуров. Юрак-аланга. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1979.

Н. Раҳимжонов. Қалбнинг тўрт фасли. – “Ўзбекистон маданияти” газ., 1979 йил 28 август.

Ш. Ҳомидий ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. — “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1970.

Фойдаланилган адабийотлар:

[1] Фарғона давлат педагогика институти Ўзбек филологияси факультети 5-курс талабаси Мақсуда Эргашеванинг диплом иши. Илмий раҳбар: филология фанлари кандидати , доцент Муҳаммаджон Мадғозиев.

[2] Орипов Абдулла. Йиллар армони. Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1984. 216-б.

[3] Раҳимжонов Нуъмон. Қалбнинг тўрт фасли – “Ўзбекистон маданияти” газ.,28 август 1979 йил.

[4] Орипов Абдулла. Йиллар армони, 447-б.

[5] Ўша жойда, 216-б.

[6] Қўшжонов М. Камалакдай сержило – Абдулла Орипов. Йиллар армони. 3-б.

[7] Орипов Абдулла. Йиллар армони., 1984, 436-б.

[8] Ўша жойда.

[9] А. Ориповнинг 1981 йил август ойида бўлиб ўтган “ЁШш ижодкорларнинг республика семинари2 машғулотидаги суҳбатидан

[10] Орипов А. Йиллар армони. 33-б.

[11] Ўша жойда. 223-б.

[12] Ўша жойда.

[13] Худойберганов Н. Чўққилар чорлайди. Т., 1975, 115-б.